

соддаликлари тарк этмаган бир жайдариликни мазкур диологлар оркали ифодалаб бермоқда. Муаллифнинг ўқувчига айтмоқчи бўлган гаплари асосан, матн ортида жойлашади.

Умуман олганда, киноқиссалар тилини прагматик,

социопрагматик ва социолингвистик жиҳатдан ўрганиш тилшунослик ва нутқшунослик ривожига муносиб ҳисса қўшади, жумладан, ёзувчининг сўз ижодкорлиги натижасида тил ҳам муайян даражада бойиб боради.

Адабиётлар

1. Сафаров Ш. Прагматингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2008, 71, 211-б.
2. Ҳақимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри ... дис. – Тошкент: 2011, 94-б.
3. Остин Дж. Слово как действие. // Новое в зарубежной лингвистике: Теория речевых актов. – Москва: “Прогресс”, 1986.
4. Ҳақимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри ... дис. – Тошкент: 2011, 94-б.
5. Эркин Аъзам. Пакананинг ошқ кўнгли. Киноқиссалар. –Т.: 2001, 233-б.
6. Эркин Аъзам. Анойининг жайдари олмаси. Киноқисса. –Т.: 2001, 69-б.
7. Холматова В. Прагматика тушунчасининг талқини ҳақида. Хорижий филология. – Самарқанд: 2019, 45-49-б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Эркин Аъзам киноқиссалари тилининг прагматик, социопрагматик хусусиятлари, адресат ва адресант ўртасидаги мулоқотнинг прагматик талқини, тавсифи баён қилинган. Шунингдек, киноқиссаларда нутқнинг социопрагматик ихтисослашув жараёни ҳам кузатилган.

РЕЗЮМЕ

В статье описываются прагматические, социально-прагматические особенности языка киносказок Эркина Аъзама, прагматическая интерпретация коммуникации между адресантом и адресатом. Процесс социально-прагматической специализации речи также наблюдается в фильмах.

SUMMARY

The article describes the pragmatic, socio-pragmatic features of the language of cinema-tales by Erkin Azam, the pragmatic interpretation of communication between the addresser and the addressee. The process of socio-pragmatic specialization of speech is also observed in films.

ЭРКИН АЪЗАМ КИНОҚИССАЛАРИ ТИЛИНИНГ ГРАММАТИК ЖИҲАТДАН ЎЗИГА ХОСЛИГИ

М.И.Холмуродова - ўқитувчи

Ўзбекистон давлат хореография академияси

Таянч сўзлар: матн, социопрагматик, грамматик маъно, лексик маъно, сўзловчи, тингловчи, муаллиф, грамматик вазифа, грамматик маъно.

Ключевые слова: текст, социально-прагматический, грамматическое значение, лексическое значение, говорящий, слушатель, автор, грамматическое задание, грамматическое значение.

Key words: text, sociopragmatic, grammatical meaning, lexical meaning, speaker, listener, author, grammatical task, grammatical meaning.

Тилнинг тараққиёти халқнинг шоир ёки ёзувчи-ижодкорлари, олимлари саъй-ҳаракатларига бевосита боғлиқ. Тилшуносликнинг синтаксис қисми – фикр ифодалаш учун зарур бўлган нутқий тайёргарликнинг энг юксак босқичи. Синтактик бирликлардан бири ҳисобланган сўз бирикмалари, гапларни ташкил қилиб, сўзловчи мақсадининг аниқ ва тўғри воқеаланишини таъминлайди. Тил системалар системаси – ўта мураккаб система сифатида жамиятда ижтимоий-амалий вазифа бажарар экан, ушбу жараён тил тизимининг структурал бирликлари, қурилиш “аъзолари”ни фаол ҳаракатга келтиради. Унинг элементлари, бирликлари ўзича алоҳида эмас, балки ўзара мантикий уюшган ҳолда объектив борлиқ ҳақида муайян хабар беради [1:23]. Нутқ индивидуал табиатга эга бўлганлиги боис гапда иштирак этаётган сўзлар контекстга кўра маълум грамматик шаклга кирилади. Бироқ ҳеч қачон умумий лисоний қонуният доирасидан ташқарида бўлмайди. Сўзловчининг мақсади, услуб талаби асосида сўзлар умумий талабга эга бўлади [2:361].

Таъқидчилар тилнинг назарий асослари билан шуғулланишса, ижодкорлар ундан фойдаланиш мобайнида янгича ифода усуллари, шунингдек, айрим воситаларни яратишга ҳам муваффақ бўлади. Ҳар бир ижодкор тилдан ўзига хос тарзда файдаланади. Бу борада ёзувчи Эркин Аъзамнинг ўзига хос ёндашуви бор. Бунинг амалдаги ифодасини билиш учун “Анойининг жайдари олмаси”, “Хонадон эгаси” асарларининг адабий сценарийсини таҳлил қилиб қўриш лозим. “Анойининг жайдари олмаси” киноқиссада шундай ўринлар бор: // – Қаёқда эдинг?

– Э, юрибмиз-да.

– Нима қилай бўлмаса, жўражон, айт?

– Уйга жўна.

– Қандай кетаман?

– Қандай кетардинг – билет оласану поездга чиқасан.

– Текин билет керак-да менга.

– Ие, пулинг кўп эди-ку?

– Энди йўқ-да, жўражон, нима қилай?//

Аввало, Эркин Аъзамнинг тилдан фойдаланишдаги энг муҳим ўзга хос жиҳати бу – унинг содда гап турларидан самарали фойдаланиш маҳоратига эгаллидир. Айрим ижодкорлар бадиий асарда узундан узок бир неча эргаш гапли мураккаб қўшма гапларни қўллайди, натижада фикр чалғийди. Э.Аъзам содда гаплардан унумли ва мақсадли фойдалана олади:

// – Акангнинг сафари қариди, жўражон!

– Кетганинг рост бўлсин! Энди келиб овора бўлиб юрма!

– Келаси баҳор кутаверасан!

Ана шундай бизнинг Рамазон! //

Матнда асар қаҳрамонларининг асли яшаш ҳудудини кўрсатиш мақсадида уларнинг нутқида айрим шева элементларини ҳам саклаб қолади: // Рамазоннинг жўраси эканим – гўллим, соддалигим башарамга битилган шекилли, терговчи – сарғишдан келган, кўккўз киши мени қутилмаган дағдага билан қариши олди:

– Сизни қамоққа оламиз, огайни!

Кўз олдим қоронғилашиб кетди. Ишга кирганимга бир йил ҳам тўлгани йўқ, Малика билан тўйимиз ўтган ёзда бўлган, у ҳозир уйда ўтирибди – ўғилми, қизми кутяпмиз. Шундай бир пайтда... Нега? Нима сабабдан? // Адабий тилда бадиий асарларда асосан, “дўст” сўзи қўлланилади, бироқ муаллиф атайлиб бу сўзнинг “жўра” синонимини ишлатмоқда. Бу ҳам алоҳида услубий маъно касб этмоқда.

Қуйидаги матнда муаллиф адресатга мазкур вазиятда қаҳрамоннинг ички табиатини кўрсатиб бермоқда. Э.Аъзам бир бош бўлакли содда гаплардан кўп фойдаланади. Бу ўзбек тили табиатига мос келадиган ҳолатдир. Бошқа флексив тилларда эга мавжуд бўлмаса, кесимнинг ўзи гапни ташкил қилаверади, нутқ вазиятга кўра фикр ифодалай олади: // – Ким айтди, ким? **Исботланг! – дея жойимдан туриб кетдим.** – Ким айтарди, шеригингиз – Ҳайдаров! Лаънати Рамазон! Ўзинг тушган чоғга мени

хам тортмоқчи бўлибсан-да? Номард, чайқовчи! – **Чақиринг! Юзлаштиринг!** – Шоша-пиша ёнимни кавлаб, хизмат гувоҳномамни терговчининг олдига отдим: – Мана, **қўринг!** //

Матннинг ўқувчига тушунарли ва таъсирчан бўлиши матннинг морфологияси билан ҳам бевосита боғлиқ. Муаллиф асар матнида бу вазиятда нисбатан олмошлардан кўпроқ фойдалангани кузатилди: // Терговчи **унга** анчайин бир кўз ташладию қайтиб қўлимга тутқазди, синовчан тикилиб сўради:

– Оғайнингиз аввал ҳам чайқовчилик билан шуғулланармиди?

Шунда оғзимдан чиққан гап учун ўзимни ҳеч қачон кечирмасам керак:

– Шуғулланган бўлса бордир, **мен** қаёқдан билай? У оғайним эмас, **шунчаки** ҳамқишлоқ, ҳамшаҳармиз.

– **Шунақами? У сизни** оғайним, яқин оғайним, дедик-ку?! Ҳозир олиб келсам, оғайним эмассан, деб юзига айта оласизми? // Мана келтирилган мисолдан кўриниб турибдики, ажратиб кўрсатилган сўзлар олмош сўз туркумига киради. Сўз туркумларининг қўлланилиши частотаси, бизнингча, нутқ вазияти ва фикр мавзусига боғлиқ бўлади.

Диологик нутқ акс этган матнларда олмошларнинг нисбатан кўпроқ ишлатилиши табиий. Мана яна бири матнни кўришимиз мумкин:

// – Бўпти, **сизга** рухсат, – деди терговчи чақирув қозғизига имзо чекиб бераркан, совуққина бир оҳангда. – Иложи бўлса, уйдагиларга хабар қилиб қўйсангиз – келаси жумада суд. Ҳа, шошманг. **У сиз** ҳақингизда **ҳеч нима** дегани йўқ. “Оғайним бўлади, икки кеча уйда ётдим”, деди, холос. **Мен** терговчига анқайиб қарадим. // Энди матнда сўзловчи ўзининг фикр мулохазаларини, ҳис-туйғуларини ифодалаганда олмошлар деярли иштирок этмайди: // Ота кўрган одамига нуқул бир гапни такрорлайди: – Армиядан қайтганидан бери **шу** аҳвол. Уёқда энаси оғир ётибди, Бозор бормоқ туғул оғзидагини эплаб ютолмайдиган боланинг **бу** ишини қаранг энди! // Киноқисса жанрига доир асарларда, айниқса, Э.Аъзам қиссалари матнида юкламалардан модал муносабатларни ифодалашда усталик билан фойдаланилади:

// Тажангроқ аканинг баттар тажсанглиги тутади:

– Шунингизни ўзи бошдан эркалатиб юбордингиз-да, ота! Оёғига кишан уриб бўлса **ҳам**, тўйни бошлаш керак эди. Бу муттаҳамга нима етишимасдики, бизни бундай шарманда қилиб ўтирибди!

Ота туриб-туриб мендан нолий кетди:

– А, жиянжон-а, сиз-ку ўқиган, эсироқ эдингиз, жўрангизни йўлдан қайтармабсиз-да! Нима касофат урдик... // Ажратиб кўрсатилган тил бирликларидан англашилиб турибдики, демак, мазкур нутқий вазиятларда юкламалар фаол қўлланилар экан.

Тавсифий-тасвирий матнларда сифат сўз туркумига доир сўзлар кўпроқ қўлланилгани маълум бўлди:

// Судья – кўзойнак таққан, ўрта ёшлардаги **барваста** аёл – йигирма йил шу соҳада ишлаб, бундай **антиқа** судни ҳам, бунақа **галати** судланувчини ҳам кўрмаган бўлса керак... Сочи тап-тақир олинган, эғнида – ётган жойидаги аллакимнинг **ола-була**, ёқаси **очиқ** бачкана қўйлаги, қўлларини орқага қилганча бурчақда алланечук **қулгили** тарзда қўққайиб турибди. // Кўриниб тургани каби тавсифий характердаги матнларда муаллиф матн орқали адресатга ўз қаҳрамонининг ички ва ташқи сифатларини белги билдирувчи сўзлар воситасида тасвирлаб бермоқда.

Энди Эркин Аъзамнинг “Хонадон эгаси” киноқиссаси матнининг тил хусусиятларини кўриб чиқамиз. Бунда ҳам тасвирий матн бўлганлиги сабабли ўқувчининг вазият билан яқиндан танишиб олиши учун қуйидагича матн келтирилган:

// ...**Камтакон серҳашам** хонанинг тўрини

эгаллаган шифт баробар икаф-сервант. **Ялтироқ** буюмлар, идиш-товоқ, чойнак-пиёла. Алоҳида тоқчага зич қилиб китоб ҳам териб қўйилган... ..кейин шундай қўл қўпайиб кетади: эркак кишининг **бақувват** чангалли, кекса одамнинг серажин, **қалтироқ** қўли, **нозик** заифона бармоқлар, **ёш** боланинг **чалчўндек** панжалари... // Мазкур матн ҳам тавсифий характерда бўлгани сабабли, юқорида таъкидланганидек, сифат сўз туркумига доир сўзлар фаолроқ бўлади. Бу эса, ўқувчи – адресатга аниқроқ тасаввур бериш имкониятини яратади.

Киноқиссаларнинг ўзига хос жиҳати шундаки, уларда тавсиф ва тасвирийлик анча устун бўлади. Имкон қадар ёзувчи аниқловчи ва изоҳловчи сўзлардан фойдаланишига тўғри келади. Рассом чизмоқчи бўлган манзарасига рангларни танлаб олгани каби бадиий матн муаллифи ҳам шу нутқий вазият, шу нутқий актга монанд тил бирликларни танлайди, тафаккурда уларни саралайди, қайси сўз қайси нозик маънони англата олишини чамалайди ва ниҳоят ўрни билан қўллайди. Натижада асар муваффақиятли чиқса, ўқувчи ундан таъсирланади, керакли хулосаларни чиқара олади, мулоҳаза қилади. Ўқувчи мулоҳаза, мушоҳада қилиши учун у тасаввур қила олиш керак. Киноқиссалар адресатга худди шу имкониятни яратиб беради, бу ўринда ўқувчи сўзи кенг маънода тушунилиши керак, матнни ўқувчи шахс – мактаб ўқувчиси бўлиши, умуман, китоб ўқувчи, режиссёр ёки ролни ижро этувчи актёр бўлиши мумкин, шунга кўра сўзловчига, ёзувчига осон бўлмайди, асар муваффақиятли чиқиши учун мазкур адресатларнинг ҳаммасини назарда тутиши, уларга тушунарли бўладиган тил воситаларини қўллаши, муҳим нутқий актларни ярата олиши лозим бўлади.

Яна матнлардаги сўзларнинг туркумлар бўйича қўлланилишига эътибор қаратиш лозим. Зеро аниқловчи вазифасида деярли барча мустақил сўз туркумлари кела олади, бироқ қайси бири таъсирчанроқ эканлиги мавҳум. Шу сабабли қуйидаги матнга диққат қиламиз:

// Бир тарафи – **ажабтовур ромли-панжарали замонавий қўшқават** иморат, бир тарафида **одмироқ**, аммо дид билан тикланмиш уйлар қад ростлаган **ободгана** ҳовли. Ўртада **сершоҳ**, **сермева** олма дарахти соя солиб турибди. Унинг тазида панжаралари **нақшин**, санъатқорона ишланган **бахайбат** ёғоч чорпо; хонтахтаси бир ёнга сурилиб, устига кўрпа-ёстиқ ташлаб қўйилган. Сўри **четидаги супрасимон** тўшмада бир кучоқ қамишу толчирик, **катта-кичик** қайчилар, аллақандай бўёқ идишлари, чўтқалар қалашиб ётибди. Чеккароқда **тайёр** маҳсулот – мева-чева солинадиган **бежиримгина сават-саватчалар**. // Ажратиб кўрсатилган сўзлар юқорида таъкидлангани каби сифат сўз туркумига мансуб. Битта ҳаракат белгисини ифодаловчи равиш иштирок этмоқда. Келтирилган учта мисолдан хусусият билдирувчи, ҳолат билдирувчи сифатлар тавсифий матнларда кўпроқ қатнашиши ва узатилаётган ахборотнинг таъсири бўлишини таъминлаб бериши аниқланди.

Муаллиф тасвирий мақсаддан бошқасига ўтганда сўз туркумларининг нутқда иштирок этиш частотаси ҳам ўзгариб боради:

// Сўрига **яқин** жойдаги ногиронлар аравачасида **қийшайиб** ўтирган майкачан, боияланг киши – уста Зухриддин, тиззасида **пешибанд**, қанишарига “сиртмоқли” кўзойнак **қўндириб олиб**, **чандастлик** билан сават тўқимоқда.

Сўри қирғозидаги **қўҳна** транзистордан қадимий бир наво таралади, **ҳозирча** бизга **яширин** бассейн тарафдан эса сувнинг шалоп-шулупи, болаларнинг шовқин-сурони эшитилади. // Мазкур матнда ҳолатни

ифодаловчи тил бирликларининг фаоллашгани кўзга ташланади. Муаллиф транзисторга нисбатан атайлаб кўхна сифатини қўлламоқда. Агар эски транзистор дея таърифлаганда матннинг, нуткий вазияти муайян даражада ўзгарар эди.

Энди сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги мулоқот жараёнида тил бирликларининг иштирокини қуйидаги мисоллар орқали кўриб чиқамиз:

Ш е р з о д. Бува, бува! Бунингиз чўмилгани қўймайпти. “Бассейн бизларники, биринчи бўлиб мен сакрашим керак”, дейди, қаранг!

У с т а. У кимнинг боласи? Ш е р з о д (ҳайрон бўлиб). Дадасининг, Фахриддин акамнинг.

У с т а. Фахриддин аканг сенга ким бўлади, Шерзодбой?

Ш е р з о д. Ўзингиз биласиз-ку, тоғам-да!

У с т а. Ҳа, баракалла! Бунинг ойиси, Латофат сенга ким, қани?

Н о д и р (тумшайиб). Дадамнинг сингиллари.

У с т а. Аммам десанг-чи, тиллатиш! Хўш, айт-чи, ўша амманг кимнинг қизи?

Н о д и р. Сизнинг!

У с т а. Даданг-чи, даданг кимнинг ўғли?

Мазкур матнда нутқ вазияти қариндошлар ўртасида қондошлик масаласидаги мунозарага бағишланган, шу сабабли бу ерда от сўз туркуми бошқа сўз туркумларига қараганда кўп, айниқса, шахс отлари. Мулоқот шакли диалог бўлгани сабабли матнда отлардан кейинги фаоллик олошларга, кейинги ўрин феъл сўз туркумига тегишлидир. Демак, мазкур вазиятда ҳаракат эмас, шахс ёки шахсият муҳимроқ.

Энди киноқиссада нутқ вазияти фикр мавзуси ўзгармоқда. Шу ўринда киссалар матнида сўз тартиби масаласини ҳам эътибордан қочирмаслик керак. Зеро гапдаги сўзлар тартибининг ўзгариши ҳам кўплаб услубий-экспрессив ўзгаришларга олиб келади. Фикрнинг муайян нуктаси урғуланса, матн мазмуни бошқа тарафга ўзгариши ҳам мумкин.

// У с т а (у томон бир кўз ташлаб олиб). Демак, ҳамманг меники, шундайми? Демак, ўша бассейннинг ҳам эгаси – мен, тўғрими?

Н о д и р (бошини қўтариб). Дадам кўрганлар уни!

У с т а. Оббо-о, ҳозиргина нима дедим-а бунга?! Дадалари қурганимиш! (Андак тин олиб.) Агар мен сенларга баравар бува бўлсам, бувангнинг бассейни ҳам ҳар иккаланга бирдек тегишли-да, а, лаббай? // белгиланган жумлалар таркибида сўзлар тартиби ўзгармоқда. Дастлабки жумлада урғу эгага тушмоқда ва у гап охирида келиб таъкидлаб айтилмоқда. Бу ўқувчига предметга эгаликни кучлироқ тасвирлаш орқали тушунтириш имконини беради. Уста мен бассейннинг эгасиман, деганда уни болакайнинг отаси яъни чолнинг ўғли қургани бу эгаликка ишончсизлик уйғотарди. Бу бассейннинг эгаси менман, дейиш устага даъво қилиш мақомини бермоқда ва сўзловчи (уста) мулоқотнинг кейинги босқичларида фикрини, даъвосини асослаб беради.

Асар матнида болаларни авайлаб уларни эркалаброк қойиш маъносини ифодаловчи тил бирликлари қўлланилган. Бу ҳам муаллифга хос бўлган муҳим бир устунликдир:

// Ўша зормондага бирин-кетин ташласанг ёки бараварига сакрасанг, нима, суви камайиб қоладими? Ҳе, шалпангқулоқлар! Қани, боринглар энди, ишдан қолдирдинг одамни. // Сўзловчи болаларга нисбатан қўллаган “шалпангқулоқлар” лексемаси турли матнларда турлича, аксариятида салбий маънода қўлланилади, бироқ уста уни шундай самимий айтдики, болаларни эркалашдан ортқ маъно кўринмади.

Киноқиссанинг навбатдаги қисмида тил бирликлари ота ва қиз ўртасидаги самимий мулоқотни ифодалаб беришга хизмат қилади. Қизнинг ҳам, қари отанинг ҳам

сўзлайдиган нутқлари расо, муаллифнинг мақсадини аниқ, тиник ифодалаб турибди. Таъкидлангани каби, асар нафақат ўқувчи, томошабин, кинорежиссёр, роль ўйновчи актёрга ҳам аниқ тасаввур бера олиши керак. Қуйидаги парчани лингвистик таҳлил қиламиз. Бу ўринда асосий эътиборни драматик асарларда бўлгани каби киритмаларга қаратиш тўғри бўлади: //

Л а т о ф а т (кўзлари яна ёшовсираб, отасининг кифтидан қучаркан). Энди сиз ҳам шундай деяверманг, дадажон! Биз нима қиламиз кейин, биз?

У с т а. Нима қилардинг – онангга чидаган отангга ҳам чидайсан-да! “Атоси ўлмаган ким бор, аноси ўлмаган ким бор...” Бориб учрашдингми?

Л а т о ф а т (сўрининг холи четига омонат ўрнашаркан). Бордим, бордим. Яхши мактаб, ободгина. Лекин узоқ-да, дада. Шаҳарнинг ҳув бир гадойтилмас қавагида! Учта транспорт билан борилади. Берадиган маошини биласиз... // Ажратиб кўрсатилган тил бирликлари – киритмалар ўқувчига Латофатнинг табиати ҳақида ишончли маълумотлар беради. Латофатнинг “Невараларингиз тагин қози қидириб юришибдим, дада?” деган жумласидан тагин сўзи орқали бу можаро болалар ўртасида доимий содир бўлиб туришини билдиради. Бундан ташқари, қози сўзи ҳам мазкур вазиятда муросага келтирувчи маъносини ифодалаб турибди. Асл луғавий маъносида ҳукм қилувчи маъносини англатиши инобатга олинса, ҳаммаси тушунарли бўлади. Энди (кўзлари яна ёшовсираб, отасининг кифтидан қучаркан) киритмасига келсак, бу ҳолат барча ота ва қиз ўртасида содир бўлмайди. Аслида ўзбекча менталитетда турмушга чиққан, фарзандлари бор бир аёлнинг отаси елкасидан қучиши қўпчилик томонидан маъқулланмайдиган ҳолат. Шундай бўлса-да, муаллиф адресатга бу орқали ота ва қиз муносабатлари аввалдан жуда самимий, эркин бўлган, деган маълумотни англатади. Қиз ва ота муносабатида қизнинг ҳаракат ва ҳолатлари кўнгилдагидек тасвирланиши учун муаллиф томонидан зарур тайёргарлик кўрилган. Грамматик воситаларгача мазкур нуткий вазиятни ифодалашга самарали ҳисса қўшган:

// У с т а (ташвиш ичида). Ҳай, эски мактабингда туратурсанг-чи?..

Л а т о ф а т. Ўша томонларга оёқ босгим келмай қолган, дада, биласиз-ку!//

Мулоқот мазмуни англатиб тургани каби қиз бироз тантироқ. Буни устанинг ўзи ҳам таъкидламоқда:

У с т а. Сен ҳам жуда-а...

Асарда ёрдамчи сўз туркумларидан ҳам самарали фойдаланилган. Қуйидаги парча мисолида муаллифнинг ёрдамчи сўзлардан фойдаланиш маҳоратинини текшириб кўриш, асарнинг бадиий қимматини оширишда, ўқувчига тушунарли бўлишдаги ўрни ва аҳамияти масаласига тўхталсак. Ажратиб кўрсатилган сўзларни кўриб чиқамиз:

// Л а т о ф а т. Акамиз-ку ахир, туғишган акамиз! Пули сероб, Нигорахоннинг айтишича, ана, ишқафиди қалашиб, очиқ-сочиқ ётармиш. Бирсин-да бошқаларга ҳам! // Эътибор берилса, матнда ёрдамчи сўзлардан фақат юкламалар қўлланилган. Кўмакчи ҳам боғловчи ҳам қўлланилмаган. Юкламалар нутқ жараёнида бошқа ёрдамчи сўзларга қараганда фаолроқ қўлланилди. Таъкидлаш керакки, асосий юкламалар нутқ жараёнида эрка қиз томонидан отасига нисбатан ишлатилган. Прагматик муносабатларнинг аксариятини ҳам шу юкламалар юзага чиқаради, чунки улар тахмин, гумон, сўроқ, таажжубланиш, таъкид, тасдиқ, айириш ва чегаралаш, ўхшатиш каби бир қатор модал маъноларни юзага келтиради. Шу жиҳатдан ҳам бу ўринда мазкур ёрдамчи сўз тури аҳамиятлидир. Бизнингча, матнни бириктирув боғловчиларисиз тасаввур қилиш мумкин, аммо юкламаларсиз бу қадар таъсирли бўлмайди.

Қиссада грамматик воситалар сўзлашув услубига мос тарзда бериледи:

// *У с т а (Латофат нари кетгач, изидан ўйчан тикилиб мингирлайди). Тўрва осган лўлининг ўзгинаси бўпти-қопти! //*

Қиссада асар қаҳрамони қайси касбда фаолият кўрсатса, ўша соҳага доир атамалар акс этади, бу дегани бундай матнларда от сўз туркумига доир сўзлар устуворлик қилади. Касб-хунарга доир **болга, электр арра, кавшарлагич, арматура, прут, угольнигу**

Адабиётлар

1. Расулов Р. Умумий тилшунослик. Дарслик. – Т.: “Фан ва технология”, 2017.
2. Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Бокиева Г., Қурбонова М., Абузалова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.: “Фан ва технологиялар”, 2010.
3. Сайфуллаева Р.Р., Менглиев Б.Р., Бокиева Г.Х., Қурбонова М.М., Юнусова З.Қ., Абузалова М.Қ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Ўқув қўлланма. – Т.: 2006.
4. Эркин Аъзам. Пакананинг ошиқ кўнгли. Кинокиссалар. –Т.: 2001.
5. Эркин Аъзам. Анойининг жайдари олмаси. Кинокисса. –Т.: 2001.

Мақолада Эркин Аъзам кинокиссалари тилининг грамматик хусусиятлари, хусусан, лисоний бирликларнинг нуткий ифодаси тавсифи баён қилинган. Шунингдек, кинокиссалар матнида айрим тил бирликларининг социопрагматик имкониятлари таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ

РЕЗЮМЕ

В статье описываются грамматические особенности языка киносказок Эркина Азема, в частности, описание словесного выражения языковых единиц. Социально-прагматические возможности некоторых языковых единиц также анализируются в тексте сюжетов фильма.

SUMMARY

The article describes the grammatical features of the language of Erkin A'zam's film stories, in particular, the description of the verbal expression of linguistic units. The sociopragmatic possibilities of some language units are also analyzed in the text of the film stories.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ЎЗБЕК ШЕВАЛАРИДАГИ ТАОМ НОМЛАРИНИНГ СИНТАКТИК УСУЛ БИЛАН ЯСАЛИШИ

М.Т.Худаярова – филология фанлари номзоди

Ажсиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: таом номлари, ўзбек шевалари, ясалиш, синтактик усул, эркин бирикмалар, турғун таркибли бирикмалар, содда таркибли таом номлари, мураккаб таркибли таом номлари, боғланиш усуллари, плеоназм.

Ключевые слова: названия блюд, узбекские диалекты, словообразование, синтаксический метод, свободные соединения, устойчивые составные соединения, простые составные названия блюд, сложные составные названия блюд, способы соединения, плеоназм.

Key words: food names, Uzbek dialects, word formation, syntactic method, free compounds, stable compounds, simple product names, complex product names, connection methods, pleonasm.

Маълумки, тилшуносликдаги мавжуд бўлган тушунча ва назарий асосларга мувофиқ қўшма сўз шаклидаги таом номлари сўз бирикмалари асосида пайдо бўлган. Таом номлари олдинги даврларда эркин бирикмалар тарзида мавжуд бўлган бўлсалар ҳам, кейинчалик турғун ҳолга келиб қолиб, қўшма сўзлар ва турғун таркибли бирикмалар тарзида тилимиз лексик таркибида мавжуд бўлган ва улар лексикализациялашган бирикмалар сифатида яшаб келмоқда.

Қорақалпоғистон ҳудуди ўзбек шеваларида таом номлари ҳосил бўлишида морфологик усулга нисбатан синтактик усулда ясалган номлар кўпчиликти ташкил қилади. Н.Икромова эса диссертациясида: «...содда терминлар 75%га яқин бўлиб, қолганлари бирикмали, жуфт ва такрор терминларни ташкил қилади» [1] деган фикрни билдиради.

Синтактик усулда икки ёки ундан ортиқ компонентларнинг ўзаро бирикиб келиши орқали янги таом номлари ясалади. Умуман, бу усул билан сўз ясаш энг қадимги маҳсулдор усуллардан бўлиб, туркий тилларнинг ҳар томонлама бойиши ва тараккий этиб боришини таъминловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади [2].

Синтактик усул билан ясалган таом номларини ташкил этган компонентлар семантик, грамматик ва интонацион жиҳатдан бирикиб, яхлит лексик бутунликка айланиб кетганлар [3].

Юқорида таъкидланганидек, таом номлари икки ёки ундан ортиқ компонентларнинг ўзаро бирикиб келиши орқали ҳосил бўлади. Масалан, **палав** номи бирор сўзни қўшиш йўли билан паловнинг турларини ифода қилувчи таом номларига асос бўлиши мумкин: *сўзмә палав, бувдай палав, ичәк-қарын палав, бейили палав, мәйәк палав* ва ҳоказо. Бундай усул билан *шәвлә, күртик, гөммә, чай, сомса* каби таом номлари ҳам бирмунча ном ясалишига

профиль каби терминлар ҳам ўрни билан ишлатилганки, ўқувчининг кўз олдида манзара аниқ-тиниқ ҳосил бўлади. Умуман, қиссада нутқ вазиятига қараб турли ўринларда турли морфологик бирликлар фаол ҳолатда бўлаётгани аниқланди. Бу билан сўз туркумларининг қўлланилиш частотасига доир тадқиқотларни янада осонлаштириш учун қандай сўз туркумлари қайси нуткий вазиятда уюшганроқ, кўпроқ бўлиши ҳақида муайян ҳулосаларга келиш мумкин.

хизмат қилиши мумкин. Бу ҳол кўпроқ бирикма типидagi таом номларининг кўпайиши учун замин ҳозирлайди. Шу сабабли ҳам бизнинг материалларимизда бирикма типидagi таом номлари асосий қисмни ташкил қилади. Бу таом номларининг қанча сўздан ташкил топиши, боғланиш усуллари, компонентлари орасидаги муносабатлар ранг-баранг бўлиб, ўзбек тилида сўзларнинг боғланиши қонуниятларини тўла акс эттиради.

Улар энг аввало, икки компонентли ва кўп компонентли бирикмалар сифатида тузилади ҳамда таом номлари сифатида ихтисослашади.

Икки компонентли бирикмаларнинг типик кўриниши кенг маънода атрибутив бирикмалардир. Бу бирикмалар таом номи бўлиш функциясида энг кўп қўлланувчи ва энг қулай бирикмалардир.

Ўрганилаётган ҳудуд ўзбек шеваларида синтактик усул билан ясалган таом номларини қуйидаги гуруҳларга ажратиб ўргандик: 1. Содда таркибли (икки сўздан тузилган) таом номлари; 2. Мураккаб таркибли (уч ёки ундан ортиқ) таом номлари.

Содда ва мураккаб таркибли таом номлари тузилишига кўра ранг-баранг сўз туркумларига ҳос бириклардан ташкил топган. Улар қуйидагилардир:

Содда таркибли (икки сўздан тузилган) таом номлари. 1) от-от типида ясалган таом номлари: *төшәп, қатығаш, унашы, майсөк, майбыламық, сүтгүрүч/сүтбүрүнч, қумшәкәр, мәшпалав, сөк талқан, нан шорпа, бувдай палав, кәди бәрәк, гөш бәрәк, йумырта бәрәк/мәйәк бәрәк/мәйәк бөрәк, увыз бәрәк/увыз бөрәк, қавәк манти, бувдай қувырмач, джүвары қувырмач, гөш қувырдақ, йумырта қувырдақ/мәйәк қуырдақ, кәди қу-вырдақ, балық кабан, балық шорпа, балық қарма, балық дымләмә, балық палав, балық қувырдақ, кәди сомса, кәди гөммә, гәшпир гөммә, замарық гөммә, қавун төшәп, джүвары шәвлә, джигилдик быламық, қавун мьрабба,*